

## Аллоҳ дунёда бир нарсани кўтарса, вақти келиб уни туширади



09:00 / 19.08.2025 2346

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг Азбо исмли туялари бор эди. Жуда тез югурарди. Араблар туя мусобақасидан маза қилишарди. Қавмнинг пайғамбари ҳам улардан бўлади-да. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳам улар билан мусобақа қилиб турар эдилар. Азбо мусобақада ғолиб бўлса, саҳобалар бундан хурсанд бўлишарди.

Бир куни бир аъробий келди. Туяси билан мусобақада қатнашди. Унинг туяси ғолиб бўлди. Азбо мағлуб бўлди. Саҳобалар бундан маҳзун бўлишиб: «Азбо енгилди!» дейишди!

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам улардаги маҳзунликни кўргач, дедилар:

**«Аллоҳ дунёда бир нарсани кўтарса, албатта, вақти келиб уни туширади!»**

Нафсининг мубоҳ ишлардан роҳатланиши дурустдир. У иймонни камайтирмайди. У шахсий виқорни айбламайди. Ҳаётдаги барча нарсалардан ўзни четга олиш бу диннинг мақсади эмас. Бор-йўғи Аллоҳ таоло биздан бу ҳаётга шариатига мувофиқ шўнғишимизни, ҳазиллашишимизни, сайлгоҳларга чиқишимизни, зиёратларга боришимизни, бозорларда юришимизни, тижорат қилишимизни истайди, холос! Аллоҳнинг ҳимоясида яшаш дунё жаннатларидан бир жаннатдир! Уни яшаш керак!

Иймонингиз қанчалар юксалган бўлмасин, тавозули бўлинг. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам етган нарсаларнинг заррасига ҳам эриша олмайсиз. Мана, у зот қавмлари билан мусобақада иштирок этиптилар. Ғалаба қозоняптилар, мағлуб бўляптилар. Ҳатто мағлубиятни очиқ қалб билан қабул қиляптилар. Ақида дарсларидан бир дарс беришни ғанимат билияптилар.

Қанчалар катта салтанатга, обрў ва мол-дунёга эга бўлманг, Сулаймон алайҳиссалом эришган нарсаларнинг заррасига ета олмайсиз. Сулаймон алайҳиссалом йўлда тўхтаб, чумолининг гапини эшитиб табассум қилган эдилар.

Тақво ҳаётдан ажралишда эмас, ҳаромдан ажралишдадир!

Аллоҳ таоло: «Бугунги кунда Мен сизларга динингизни мукамал қилиб бердим. Сизларга неъматимни тугал этдим. Сизларга Исломни дин деб рози бўлдим» (Моида сураси 3-оят) оятини нозил қилгач, барча саҳобалар хурсанд бўлишди. Аммо Абу Бакр розияллоҳу анҳу хафа бўлдилар ва: «Мукамал бўлган нарсада нуқсон бошланади!» дедилар.

Энди ўйлаб кўринг, бир пайтлар тобелари бу сайёрани буюклик ва иқтидор ила бошқарган, башарият маданиятига етакчи бўлган дин замон айланиб тобелари нуқсонга йўл қўйганидан сўнг улар ила ортда қола бошлади. Энди бугун дунёда ҳукмрон бўлиб турган ботил узоқ турармиди?! Йўқ! Аллоҳга қасамки, узоққа бормайди. Бугун ботилнинг чўққига чиққани унинг заволи яқинлигини билдиради. Кеч соатларининг бошланиши тонг отишига ишорадир!

Ёдингиздан чиқмасин! Азбо нега мағлуб бўлди? Негаки, Аллоҳ дунёда бир нарсани кўтарса, албатта, куни келиб, уни туширади!

Азбо энди бир ҳайвон. Бу башарият фожирликда энг баланд чўққига чиқса, Аллоҳ уларни пастга туширмайди деб ўйлайсизми?!

**«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.